

VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. 2017 йилда барча транспорт турлари томонидан 68,0 млн.тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 4,2 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1764,5 млн.тн.км.ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 0,2 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	68,0	104,2
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	68,0	104,2
Юк айланмаси, млн. тн-км	1764,5	100,2
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	1764,5	100,2

Хусусий юк ташувчилар юк айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 103,5 фоизга кўпайди ва 1000,4 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 56,7 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 54,9 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 278,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,9фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 2,5 фоизга кўпайиб, 9512,7млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	278,4	102,9
<i>шу жумладан:</i> , автомобил транспортида	278,4	102,9
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	9512,7	102,5
<i>шу жумладан:</i> , автомобил транспортида	9512,7	102,5

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 102,4 фоизга кўпайди ва 8711,6 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 91,6 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 91,7фоиз).